

ИДЕОГРАФИК ЛУГАТ ТУЗИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Содиқова С.А. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада идеографик лугат тузишнинг назарий асослари таҳлил қилинган бўлиб, мазкур муаммо доирасида олиб борилган тадқиқотлар ўрганилган ва шу асосда эришилган ютуқ, камчиликлар ёритилган.

Калим сўзлар: лексема, лугат, лексикография, идеографик лугат, тамойил, назария.

Инсоннинг билиш фаолияти кенг камровли бўлиб, у бутун ҳаёти давомида ўзи ва жамият учун янгидан янги нарсаларни кашф этиб бораверади. Шарк ва Ғарб уйғониш даврида аниқ фанлар соҳасида амалга оширилган оламшумул ишлар натижасида борлиқнинг яхлит бир бутунлик, ягона тизимдан иборат эканлиги узил-кесил ўз исботини топди. Ўтган асрнинг охириги чораги ва ХХI аср бошларида илм-фан, техника соҳасида эришилган ва эришилаётган улкан ютуқлар яна шуни кўрсатадики, олам муайян ички қонуниятлар асосида мангу ҳаракатланувчи сон-саноксиз қисмлардан ташкил топган улкан тизимдир. Унинг тузилиши ўта мураккаб бўлиб, факат инсонгина олам қонуниятларини билишга қодир. Бу йўлда унга унинг энг яқин ёрдамчиси бўлган тил катта ёрдам беради. «Тил фикр, ҳис-туйғу, истак кабиларни ифодалашда хизмат қилувчи фонетик, лексик ва грамматик воситалар тизими, кишилар орасида асосий ва энг муҳим алоқа, аралашув ва фикрлашув курили» сифатида олам ва унинг онтологиясини ўзида тўла акс эттиради [1].

Маълумки, «Тил бевосита кузатишда берилмаган. У жамият аъзолари онгида мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, фикрни шакллантириш ва уни ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар йиғиндисидир» [2]. Бундан шу нарсанглашдики, олам яхлит бир бутунлик, система саналар экан, унинг ўзига хос инъикоси ҳисобланган тил ҳам тизим, тўғрироғи, тизимлар тизимидир [3,62]. Мана шу тизимни ташкил этаётган қисмларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш ва мазкур тизимни бус-бутунлигича ўзида акс эттирувчи лугатлар яратиш замонавий тилшунослиқнинг асосий вазифаларидан биридир. Тилнинг энг муҳим белгиларидан бири бу унинг дискретлиги, яъни бўлинувчанлигидир. Тил фонетик, морфемик, лексик, синтактик ва суперсинтактик сатҳларнинг диалектик бирлиги, узвийлиги асосига қурилган. Тил тизимидаги бирликлар ичида «ҳар томонлама, маъно жиҳатдан ранг-баранг, энг мураккаб бирлик бу лексемадир. Ҳар бир сўз (лексема) муайян томон ва муносабатларнинг диалектик бирлигига, ўзида мавжуд белги-хусусият ва жиҳатларига, уларни бевосита ташишига кўра алоҳида ажралиб туради [3,14]. Зеро, академик Л.В.Шерба таъкидлаганидек: «Миллий тилларнинг лугатлари ҳақиқий хазина, миллий тушунчалар, миллат ҳаёти ва ақлининг ўзига хос қомусидир» [4]. Бундан ўзбек тили лугатлари ҳам мустасно эмас. Ўзбек лугатчилиги тарихини кўздан кечирадиган бўлсак, ундаги

ўзгаришларнинг ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишларга боғлиқ ҳолда кечганлигини кузатишимиз мумкин. Зероки миллий лугатчилигимизнинг асосчиси, илк ва ўз даврида бетакрор туркий лугат намунасини яратган тилшунос олим Махмуд Кошғарий асарида шундай деб ёзади: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг қишлоқ ва шаҳарларини кўп йиллар кезиб чиқдим, лугатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим» [5]. Манбаларда лугатларнинг илк маротаба қандай пайдо бўлганлиги ҳақидаги турли хил қизиқарли тарихий ҳикоялар келтирилар экан, қадимги грек ва римликлар матнларда ўзлари тушунишмаган сўз ва бирикмаларнинг маъноларини изоҳлашга уринишган. Лекин тилдаги жамики сўзларни бир жойга тўплаш мумкинлиги, лугат тузиш ишлари уларнинг ҳаёлига келмаган эди.

Лугатчилик инсоният ҳаёти, турмуш-тарзи, маънавий маланияти билан узвий боғлиқ бўлиб, албатта, унда жамиятдаги ўзгаришлар, янгиликлар, ўз даврининг ранг-баранг киефаси акс этиб боради.

Ўзбек тилида сўзлар даражаланиши лугати, ўзбек тилида бутун-қисм муносабатли (оартонимик) сўзлар лугати, универсал ўқув лугати, уядош сўзлар лугати, идеографик лугат каби ўқув лугатларининг бир қанча янгича турлари таълим бўғини учун тайёрлаб берилиши зарур бўлиб турибди. Шуниси диққатга сазоворки, ҳамма замонларда ҳам халқнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида рўй берган туб ўзгаришлар энг аввало лугатларда ўз аксини топиб боради. Лугатлар ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос кўзгуси саналади. Шу боис кейинги йилларда халқимизнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётида содир бўлган янгиланишлар, покланишлар биздан лугатларнинг замонавий турларини яратишни талаб қилмоқда. Хусусан, ҳозирда ўзбек тилшунослиғида кенг камровда олиб борилаётган тизимли тадқиқотлар натижасида идеографик лугатлар яратиш учун ўзига хос замин пайдо бўлди [6]. Илк идеографик лугатларнинг назарий ғоялари немис олими Ёган Трирнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топди. У семантик майдон тушунчасини тилшуносликка олиб кириб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ишлаб чиқди. Кейинчалик «майдон назарияси» Порсиг ва унинг издошлари томонидан ривожлантирилди ва такомиллаштирилди. Тилшуносликда «семантик майдон» тушунчасини айнан Порсиг номи билан боғлашади.

* Содиқова С.А. – АндУ мустақил тадқиқотчи изланувчиси.

1975 йилда А.К.Тихонов, Н.Т.Хотамов ва бошқа муаллифларнинг рус тилида нашрдан чиққан «Русча - ўзбекча тематик луғати»да сўзларни идеографик нуктаи назардан маълум мавзулар асосида турли гуруҳларга жамлаб ўрганиш ўзига хос самара бериши айтиб ўтилади. Бундай усулнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таниқли педагоглар Я.А.Коменский, К.Д.Ушинский ва бошқалар таъкидлаб ўтишган. Уларнинг фикрича, лексикани ўрганишда бундай ёндашув ўқувчиларда тўғри дунёкарашни шакллантиришга кўмаклашади, уларнинг билим доирасини бутун борлиқ ва инсон фаолияти ҳақидаги жамланган (тизимлаштирилган) маълумотлар билан бойитади. «Тилларни ўрганиш, - деб ёзади Я.А.Коменский ўзининг «Великая дидактика» асарида, - жисм ва буюмларни ўрганиш биргаликда параллел равишда олиб борилиши лозим, чунки биз уларни қандай ўрганган бўлсак, нутқда ҳам шундай ўзлаштиришимиз лозим, чунки биз жисм ва буюмлар, шунингдек, атроф - муҳит ҳодисалари тўғрисида қандай тушунчага эга бўлсак, фикрни ҳам худди шундай баён этишни ўрганишимиз лозим [7]. Демак, ўқувчиларда фикрни, дунёкарашни тўғри шакллантириш ва бу фикрларни нутқда акс эттириш учун сўзларнинг маъно мазмунини тематик гуруҳларга жамлаб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади».

Лексикани идеографик нуктаи назардан ўрганишнинг асосий мақсади - бу сўзнинг турли маъноларини бус-бутун, яхлитлигича ўрганиш ва уларни ўз ўрнида қўллашни ўргатишдир. Масалан, талабалар учун ота, она, ўғил, қиз, ака-ука, опа-сингил ёки шамол, ёмғир, булут, қуёш, оқ, юлдуз каби сўзларни алоҳида ўрганиб (хорижий тилларни ўрганиш назарда тутилади), мағзини қақишдан кўра ушбу сўзларни маълум бир тематик гуруҳга жамлаб, қиёслаб ўрганиш анча қулай ва осонроқ кечади. Чунки турли тематик гуруҳларга жамланган сўзларни (мас., ота-она ёки қор-ёмғир) тартибсиз ўрганиш ўқувчини чалғитиши мумкин ва ўзлаштириш жараёнини мураккаблаштириши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун маълум бир боғлиқлик ёки ўхшашлик (умумийлик)ка асосланган тематик гуруҳ ва тематик майдонлар нуктаи назаридан тил лексикасини ўрганиш самарали натижалар бериши мумкин.

Тематик таҳлил қилиш фақатгина от сўз туркумига хос бўлган жараён. Бошқа сўз туркумларининг таҳлили семантик жиҳатдан ўрганишга асосланади. Сўзлар таҳлилининг бу иккала усули бир-биридан фарқланса - да, уларнинг ўхшаш жиҳатлари ҳам бор. Баъзида улар уйғунлашиб кетиши ҳам мумкин. Масалан, ранг ва маза-таъми билдирувчи сифатлар (оқ-қора; аччик-нордон; ширин-шўр), психологик хусусиятлар (ёвуз, раҳмдил, баджаҳл, хушмуомала). Бу сўзлар бир томондан антонимик жуфтликлар ҳосил қилса (лексик - семантик гуруҳ), иккинчи томондан маълум бир тематик гуруҳларни ташкил этади. «Семантик майдон» деганда Трирнинг таъриф беришича, лексик - семантик майдон бу маънолари жиҳатидан ўзаро узвий боғлиқ бўлган, бирининг маъноси иккинчисидан келиб чиқадиган, бир-бирига

тобе бўлган сўзлар гуруҳидир. Бошқача («Русча лингвистик энциклопедик луғат»да) таърифга кўра, тематик майдон - бу маъно умумийлиги (ўхшашлиги)ни ва нарсас-буюмларнинг ўхшашлигини акс эттирувчи бирлашган сўзлар йиғиндиси. Сўзларни семантик майдонларга йиғиб (жамлаб) ўрганишдан асосий мақсад бу уларнинг турли хусусиятлари, лексик маъноларининг эмоционал таъсири ва бошқа жиҳатларини кузатиб, лексик маъноларини ўзаро қиёслаб ўрганишдан иборатдир. Семантик майдонларнинг аниқ чегаралари мавжуд эмас ва бу табиий ҳол, чунки бир сўз турли нуктаи назарда турлича талқин қилиниши мумкин. Масалан, олма мевалар номи семантик майдони ва шу билан бирга олма - дарахтлар номи семантик майдони ёки «ўсимликлар дунёси» тематик қуршови таркибда ҳам иштирок этиши мумкин. Лексикани бундай тарзда ўрганиш идеографик таҳлилнинг асосини ташкил этади. Сўзни идеографик (ғоявий) нуктаи назардан ўрганиш эса сўз ҳақида тўлиқ (универсал) маълумот олишга хизмат қилади. Луғат бизнинг ҳаётимизга, ўқув жараёнига шунчалик сингиб кетганки, луғатнинг ўзи ҳақида билмайдиган одамни топиш қийин. Шундай бўлса-да, Ожегов С.И. гапира эътибор берамиз: «Луғат - сўзларнинг ўзи ёки бошқа тилга таржимаси берилган алифбо тартибдаги тўплам». Ҳақиқатан ҳам, бу ўзи бизнинг луғат ҳақидаги тасаввуримизга тўла мос келади. Ҳозиргача луғатчилигимиз тажрибасида энг тўғри, энг оқилона, нисбатан қулай деб шу усул тан олинган. Лекин бу фикр нисбий. 200 000 дан ортиқ сўзни ўз ичига олган луғат муаллифи, буюк лексикограф В.И.Дал шундай ёзади: «Алфавитний способ расположения слов крайне туп и сух. Самое близкие и сродные решения разносясь далеко врозь и томясь тут и там в одиночестве; всякая живая связь речи разорвана и утрачена..., читать такой словарь нет сил, на десятом слове ум притупеет и голова вскружится, потому что ум наш требует во всем какой - нибудь разумной связи, последовательности и последовательности». Хўш, сўзлар луғатда қайси тамойил асосида жойлашмоғи лозим? Тил - тизим. У онгимизда ҳам шу тартибда ўз аксини топган. Шу ерда машҳур олим Н.В.Крушевскийнинг сўзларини ёдга оламиз: «Ҳеч қачон тилнинг асосий хусусиятини унутмаслик лозим. Сўз - нарсанинг белгиси. Сўз ва нарса ҳақидаги тасаввур ассоциация ҳақидаги қонун асосида жуфтлик ҳосил қилган. Шундай экан, сўзлар бизнинг онгимизда ҳам ўзи англатадиган жисмлар гуруҳи кириши керак». Сўзларнинг луғатда жойлашуви масаласига қайтамыз. Сўзларнинг табиати (талаффуз ва маъно) 2 хил тамойилни келтириб чиқаради: а) талаффуз яқинлиги асосида; б) маъновий яқинлик асосида. Биринчи тамойил алифбо тартибдаги луғатлар яратишга замин ҳозирлайди. Бу луғатларнинг афзаллиги ҳақидаги тўхталишга ҳожат йўқ. Лекин алифбо тартибдаги луғат сўзлар ва бизнинг олам ҳақидаги тизим асосида бирлашган билимларимизга тўғри пропорционал эмас. Бизнингча, В.И.Далнинг таънали фикрида жон бор. Алифбо тартибдаги луғатларга қарама-қарши тартибли, яъни сўзларнинг

маъновий яқинлиги асосида бирлашиш тамойили идеографик лугатлар тузилишига олиб келади [8]. Идеографик лугат нима? Грекча идея - тушунча, идея, образ ва графё ёзаман сўзларидан келиб чиққан. Табиий савол туғилади: идеографик лугат қандай муаммоларни ечади, илмнинг қайси сўзларида у амалда бўлиши мумкин? Бу саволларга чет эллик лексиколог ва лексикографлар Х.Касарес, В.Фон Вартбург, Ф.Дорнзайф, И.А.Гулъянов, И.И.Средневский, Л.В.Ўерба, М.Морковкинларнинг назарий ишларида жавоб топишимиз мумкин. Идеографик лугат муаммоси рус тилшунослигида ўз тарихига эга. Унинг назариясини ишлаб чиқишда академик Л.В.Шербанинг ўз ўрни бор. Идеографик лугатларнинг қуйидаги асосий кўринишлари бор: 1.Идеографик тезаурус. Тезаурус типдаги идеографик лугатларда сўзлар катъий мантикий фалсафий тасниф асосида жойлаштирилади. 2. Аналогик лугат. Бундай лугат муаллифлари сўзларнинг фалсафий - мантикий таснифи асосида иш қўрмайдилар, балки маъновий - алифбовий усулни маъқул кўрадилар. Аналогик лугатларда сўзларнинг лугавий маъновий гуруҳлар тўдаси алифбо тартибда жойлаштирилган бўлади. 3. Ўқув тематик лугати. Лексикография тарихида инглиз, француз, немис, испан тиллари материали асосида тузилган лугатлар талайгина.

Европада идеографик лугатларга қизиқиш уйғотган, «Инглиз сўзлари ва иборалари тезауруси» («Теузарус английских слов и выражений») муаллифи Л.М.Роже ўз лугати сўз бошисидан шундай ёзади: «Биз айтмоқчи бўлган фикримизни қанчалик аниқ тасаввур қилмайлик, баъзан биз шундай бир вазиятга тушиб қоламизки, бизга сўз етишмай қолади. Ўз фикримизни аниқ ифодалаш учун битта сўз ўрнига бир неча ижобий ва салбий, кучли ва кучсиз, баъзан эса кераксиз сўзларни ишлатиб юборамиз. Бу лугатнинг энг муҳим хусусияти шундаки, бир фикрнинг барча кирраларини очиб берувчи сўз ва ибораларнинг бой тўдасини тортиқ қилади». Роженнинг тезауруси инглиз маданиятининг муҳим бир бўлаги. У матн тузувчи ёки тахрирловчи ҳар бир кишининг - ўқувчи, талаба, журналист, ёзувчи ва кенг омманинг - яқин ёрдамчиси.

Яна бир инглиз идеографик лугат муаллифи Дж. Роудел лугати қуйидагича тузилган. Лугатдаги ҳар бир мақола бош сўз ва бу сўз билан бириктириш мумкин бўлган сўзлар каторидан ташкил топган. Отлар олдида фақат сифат ва феъллар берилган. Феъл ва сифатлар олдида эса равишлар келтирилган. Немис тилидаги идеографик лугатлар орасида нисбатан Г.Беккер таҳрири остидаги стилистик лугат қизиқарли саналади. Лугат қурилиши жуда оддий. Унда 5 та босқич бор: 1) Стивдорт - бош сўз ва унинг грамматик таърифи; 2) Синн - сўз ўзи; 3) Ворд - сўз ясалиш уяси; 4) Сатз - сўзнинг грамматик алоқаси (М.: агар бош сўз от бўлса: Фат - бош сўз предикатив алоқада бўла оладиган феъллар); 5) Билд - бош сўз қайси фразеологизмда асосий маъноли сўз бўла олади. Ю.Лакруанинг мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган идеографик лугатида бўлса, ҳар бир отдан сўнг улар бошқарадиган феъллар, кейин предикатив алоқада

бўла оладиган феъллар ва шу сўзнинг аниқловчиси (сифат) берилган. А.Ройм лугати тузилиши юқоридагилардан фарқли [9]. Ҳар бир сўз немис тилига таржима қилинади. Сўзнинг синоним ва антонимлари санаб ўтилади. Кейин фразеологик бирикмалар, мақоллар, ясама сўзлар келтирилади. От сўз туркумининг қуйидаги алоқалари берилади: а) нисбатан кўп қўлланувчи сифатлар; б) от билан предикатив бирикма ҳосил қилувчи феъллар; в) от орқали бошқарилувчи феъллар; Феъл сўз туркуми эса: а) феъл билан қўлланувчи равишлар; б) феълга боғланувчи отлар санаб ўтилади. Юқоридаги қисдан тематик ва идеографик лугатлар орасида қуйидаги фарқлар мавжудлигини сездик: - тематик лугатлар мавзувий гуруҳлар асосида таркиб топган бўлиб, тил лексикаси мана шу гуруҳлар бўйича тасниф этилади, шу гуруҳларга бирлашади. Идеографик (тезаурус) лугатда эса маълум бир сўз (тушунча)нинг вазифадошлари, маънодошлари, антонимлари, предикатив алоқа ҳосил қилувчи (феъл) сўзлари бир гуруҳга бирлашади.

Демак, ҳозирда ўзбек тилшунослигида кенг қамровда олиб борилаётган тизимли тадқиқотлар натижасида идеографик лугатлар яратиш учун ўзига хос замин пайдо бўлди. Бу жараёни қуйидагилар билан изоҳ қилиш мумкин:

➤ мустақиллик туфайли юртдошларимизнинг маънавий дунёсида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда, оламнинг чексизлиги, сон-саноксиз унсурлардан ташкил топганлиги ҳақидаги дунёқараш шаклланиши кучайиб, оламни билишда индуктив билиш усули билан бирга дедуктив методнинг афзаллиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар тобора катъийлашиб бормоқда;

➤ илм-фан ва техниканинг ниҳоят даражада ривожланиб кетиши ва барча соҳаларнинг компьютерлашуви натижасида ўзбек тилидаги сўзларга автоматик ишлов бериш, уларни бошқа тилларга синхрон таржима қилиш, қўлланиш частоталарини аниқлаш мақсадлари юзага келмоқда;

➤ мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг жорий қилиниши, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг талабларидан келиб чиққан ҳолда рақобатбардош, етук шахсларни тарбиялаб, вояга етказиш учун фақат ёдлаш, эсда сақлаб қолишга эмас, балки фикрлашга, мулоҳаза қилишга, ҳулосалар чиқаришга ёрдам берадиган замонавий лугатлар яратиш лозимлиги аён бўлмоқда;

➤ ҳаётимизда янги иқтисодий

муносабатларнинг қарор топиши натижасида бозорнинг бошқа турлари катори интеллектуал бозор шаклланимоқда. Ўзбек тилида яратилажак идеографик (тезаурус) лугатлар эса бундай бозордаги энг серталаб маҳсулотлардан бўлиши табиий.

Албатта, ўзбек тилида идеографик лугатни яратиш тажрибаси мавжуд бўлса-да, ушбу лугатларни мукамал деб айтиш қийин. Шунинг учун юқорида айтилганлардан ҳулоса қиладиган бўлсак, бугунги кун кишиси учун ниҳоятда зарур бўлган идеографик лугатни мукамал қилиб яратиш

Ўзбек лексикографияси олдида турган кечиктириб | бўлмас вазифалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002. Б. 105.
2. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент: "Ўқитувчи", 1995. Б.7.
3. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М.: "Наука", 1971. С. 11-90.
4. Шерба Л.В. О словарях живого литературного языка. // Современная русская лексикология. М.: "Наука", 1966. С. 74-75.
5. Неъматов Ҳ. Сўз, унинг тил ва нутклаги ўрни. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. 6-сон. Б. 23-27.
6. Неъматов Ҳ., Бегматов Е., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1989. 6-сон.
7. Коменский Я.А. Великая дидактика. Москва: Типография А.М. Котомина, 1982. С. 384.
8. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутк. Т.: "Ўқитувчи", 1993. Б.3.
9. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий даражаланиш: Филол.фан.номз.дисс.автореф. Т.: 1996. Б. 21.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются теоретические основы составления идеографического словаря, исследованы некоторые работы по данной проблеме и сделаны выводы.

Ключевые слова: лексема, словарь, лексикография, идеографический словарь, принцип, теория.

RESUME

In this article it is analyzed theoretical base of the formation of ideographical dictionary, researched some works about these problems and it was made conclusion.

Key words: lexeme, dictionary, lexicography, ideographical dictionary, principle, theory.